# СИЗНИ СОҒИНДИМ, ЗУЛФИЯ ОПА!

Озод ШАРАФИДДИНОВ

Боши биринчи бетда

кейин балиқ нима бўлди – Тошкентга олиб келишдими ё ўша ерда қолиб кетдими? Лекин бунинг аҳамияти йўқ эди. Муҳими, қозоқ меҳнаткашлари шоирага бўлган ҳурмат-эҳтиромини ифодалашнинг ғоят инсоний ва оригинал йўлини топишган эди.

Ўшанда қозоқ дўстларимизнинг Зулфияга муносабатини кўриб хижолат тортиб кетдим – шоиранинг довруғи шунчалик бўлса-ю, танқидчилар у томонга бир қиё боқмаса?

Кейин Ўзбекистонда ҳам Зулфиянинг ижодий кечаларида кўп қатнашдим. Яйпанда, Попда, Марғилонда, Тошкентда. Қўқондаги бир учрашув ҳам ғоятда мароқли бўлган эди. Қўқонликлар шоирага сиёҳдон совға қилишди. «Бу Нодирабегимнинг сиёҳдони. Нодирабегим сизга қаламини ҳам мерос қолдирган. Сиз Нодираи давронсиз. Нодира айтолмай кетган қўшиқлар сизнинг қаламингиздан тўкилсин», дея лутф қилишди. Зулфия опанинг довруғи бутун жаҳон бўйлаб таралган эди. Қайсин Қулиев, Давид Куғултинов, Мустай Карим каби улкан санъаткорлар унинг яқин дўсти эди. У халқаро «Нилуфар» ва Неру номидаги мукофотларнинг соҳибаси бўлганди. Лекин мукофоту унвонлар орасида битта унвон бор эдики, бу билан Зулфия опа алоҳида мағрурланарди. У Ўзбекистон халқ шоираси эди. Шунинг учун бўлса керак, «Бахтим шулки, ўзбекнинг Зулфиясиман» дея хитоб қилганди. Мен, албатта, Зулфия опа ҳақида ёздим, унинг тўғрисида бир адабий портрет яратдим, янги шеърий китобларига тақриз ёздим, мақолаларда унинг тўғрисида мулоҳазалар юритдим. Лекин айтмоғим керакки, менинг ёзганларим бу улкан шоиранинг ижоди олдида урвоғ ҳам бўлолмайди. Мен унинг нафосатини, гўзаллигини, фикрий бойлигини кўнгилдагидек, ўша шеъриятга муносиб тарзда очиб беролган эмасман. Мана ҳозир ҳам ёзяпман-у, лекин қаламим эски ўрганиб қолган маддоҳлик йўлига тойиб кетаётганини сезиб турибман. Нечундир менинг тасвиримда Зулфия опа фаришта мисол бўлиб чиқяпти. Ҳолбуки, у инсон эди ва ҳар қандай инсон ҳаёт йўлида дуч келадиган ҳамма синовлар, машаққатлар, изтироблар унинг ҳам бошига тушган эди. Кўпгина шеърларида Зулфия опа ўзининг «кемтик бахти» ҳақида гапиради. Умрининг сўнгида ёзган «Хотирам синиқлари» достонида эса ўша машаққатлар тўғрисида бениҳоя мардоналик билан ёзади. Бу асар теранлиги ва мардонаворлиги билан менга Анна Ахматованинг «Марсия» («Реквием») деган асарини эслатади.

Шоиранинг шеърлари ҳақида, уларнинг латофати, инсоний жозибаси, теранлиги тўғрисида жуда кўп гапириш мумкин. Лекин мен бугун бош қа бир саволга жавоб излаяпман – Зулфияни одамларга ардоқли қилган, адабиётимизнинг ёрқин юлдузларидан бирига айлантирган, XX асрнинг буюк аёллари қаторига қўшган асосий омил нима? Менимча, бу унинг эътиқоди, жуда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатлари, дили билан тилининг бирлиги, шеърларида мадҳ этган инсонийлик, вафо, садоқат ва диёнат деган нарсаларга ўзи ҳаётда оғишмай амал қилганида. Истеъдод улуғ неъмат, лекин истеъдоднинг ўзи билан иш битмайди, шекилли. Минг афсуски, бизда айрим истеъдодли шоирлар ва шоиралар бор, бироқ улар ўзларининг истеъдодларига берилиб кетадилар-у, шунга яраша инсон сифатида ҳам улуғ бўлиш кераклигини унутиб юборадилар. Бунақа одамнинг ижоди бирон-бир тайинли қимматга ёхуд салмоққа эга бўлолмаслиги ўз-ўзидан аён. Зулфия опанинг ибрати шундан далолат берадики, ҳар қандай истеъдоднинг ёнига инсоний фазилатлар қўшилсагина, ижод муайян салмоқ касб этади. Бунга эса бутун умр бўйи давом этадиган машаққатли меҳнат билан, астойдил жон куйдириш билан эришилади. Зулфиянинг оилавий ҳаёти, муҳаббати тарихи кўпчиликка яхши маълум. Зулфия шоир Ҳамид Олимжонни севиб, у билан 1935 йилда турмуш қурди. Бироқ орадан тўққиз йил ўтгач, ногаҳоний фалокат туфайли иккита фарзанд билан эридан бева қолди. Кейин эса умрининг охиригача Зулфия Ҳамид Олимжонга муҳаббатини боши устига қўйиб, авайлаб, асраб, гард юқтирмай олиб ўтди. Баъзан Зулфия тўғрисида икки болани отасиз катта қилди, дейишади. Менингча, бу унчалик тўғри эмас, чунки Ҳамид Олимжон руҳан ўз хонадонини бирон кун ҳам тарк этган эмас. Деворлардаги сувратлардан Ҳамид Олимжон йирик-йирик кўзлари билан муттасил Зулфияга, фарзандларига қараб, уларнинг ҳолидан хабар олиб турарди, жавондаги китоблардан унинг салобатли овози эшитилиб турарди. Отанинг руҳи тирик бўлса, у оиланинг ҳамма ишларида, шу жумладан, болалар тарбиясида ҳам иштирок этаверар экан.

Зулфия – атоқли шоира, йирик давлат арбоби, жамоат ишларида фаолият кўрсатади, эл назаридаги инсон. Лекин у биринчи навбатда аёл, аёл бўлганда ҳам ўзбек аёли эди. У аёл сифатида муайян бурчга эга эди, Ҳамид Олимжондан эрта айрилган фарзандларини ўстириб, одам қилиб етиштирмоқ керак эди. Бу эса – эҳ-ҳе, дунёдаги энг қийин, энг машаққатли ишлардан бири. Қизиғи шуки, сиз фарзандларингизни моддий неъматларга кўмиб юборишингиз мумкин. Улар яхши кийиниши, ебичиши, шуҳратингиз шуъласида гердайиб юришлари мумкин. Лекин буларнинг ҳеч қайсиси фарзанднинг қобил бўлиб чиқмоғи учун етарли бўлмаслиги мумкин. Нима учундир у наркоман, безори, бузуқ, ўжар, ўғри бўлиб чиқиши хеч гап эмас. Зулфия опа 30 ёшида бева қолган эди – у 30 яшар аёлга аталган бу дунёнинг жами ҳузур-ҳаловатидан, лаззатидан кечди, қалбининг бутун қўрини фарзандларига бағишлади. Бунинг оқибатида қизи Ҳулкар олима бўлди, нафақага чиққунига қадар дорилфунунда дарс берди, Ойбек домлага муносиб келин бўлди, ўғли Омон эса – мана, қирқ йилдирки, Олий Мажлисда ишлайди. У бу ерга оддий корректор бўлиб ишга кирган эди, кейин маслаҳатчи бўлди, бўлим мудири даражасига кўтарилди, ҳозир эса Олий Мажлиснинг депутати, хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос. Энг қизиғи шуки, мен Ҳулкарни ҳам, Омонбекни ҳам қирқ йилдан бери биламан, лекин ҳали уларнинг бирон марта калондимоғлик қилганини, бурни кўтарилганини, бошқаларни менсимай қўйганини кўрган эмасман. Бинобарин, Зулфия опа ўзининг оналик бурчини ҳам жуда ўринлатиб адо этди – жамият учун яхши фазилатларга эга бўлган икки ажойиб инсонни тарбиялаб етказиб берди.



Атоқли адибларимиз: Зулфия ва Асқад Мухтор.

Зулфия опа ўзбек шеъриятида ўзига хос бир мактаб яратган эди. Унинг шогирдлари кўп эди. Булардан айримлари – Ойдинхон, Қутлибека ва бошқалар бугун Зулфия опанинг чироғини сўндирмасликка ҳаракат қилиб, самарали ижод қилмоқда. Шоира шо-гирдлари билан бирга гўзал бир шеърият чаманини яратиб кетди. Хўш, бугун бу бўстон қай аҳволда? Унинг ҳолидан огоҳ бўлиб, парваришига қараб турган шеършунослар, шеърпарастлар борми?

Албатта, бугунги шеърият ўз ҳолига ташлаб қўйилган десак ҳақиқатдан узоқ бўларди. Забардаст шоирлар бор, уларнинг танланган асарлари, янги тўпламлари чиқиб турипти. Шу билан бирга шоир Эркин Воҳидов айтган «даҳо шеърлар» яратилмаяпти. Шеъриятда борган сари майдалашиш ҳолати содир бўляпти. Айрим шоирлар ўзи билган нарсаларни ёзиш ўрнига сунъий гапларни тўқиб чиқаради, ясама гапларни гапиради. Баъзилар ҳали йигирмага тўлар-тўлмас «куйдим-пишдим»га ўтишади, «о, дастингдан дод дунё» деб ҳайқиради, баъзилар «чархнинг мен кўрмаган дарду балоси қолдиму?» деган саволларга кўмиб ташлайди, яна баъзилар чиллага кирган мулладек, шеърда чилъёсунлар ўқишади. Баъзан шоирлар изланиш қиламан деб шунақа кўчаларга кириб қолишяптики, ёқа ушламай иложинг йўқ. Яқинда бир шоирнинг шеърини телевизорда таҳлил қилишди. Унинг ёри бетоб экан. Узоқдан ўртоғи кўринипти– у қизнинг аҳволи ҳақида хабар олиб келипти. У етиб келгунча, шоир хавотир ичида кутиб турипти. У келиб, «отанг вафот этди» дебди. Шоир хурсанд бўлиб кетипти (ёри ўлмаганига бўлса керак -да). Асарни мақтаган тупа-тузук шоирлар худди ана шу жойни «ички дунёни очишдаги янги кашфиёт» деб тақдим этишди. Кашфиёт ўлсин шунақа бўладиган бўлса! Бунақа гаплар шеърда чинакам шеърият, нафосат ўрнига, саҳнада кўрсатиладиган ясама ўйинлар, сунъий қилиқлар кўпайиб кетаётганини кўрсатмайдими? Оқ қоғознинг тили, забони йўқ – нимани ёзсангиз чидай беради, аммо истеъдоднинг истеъдодлиги шундаки, у нимани ёзишни билишдан ташқари, нимани ёзмаслик кераклигини ҳам яхши билиши керак.

Майли, бу гапларни қўяйлик. Сиз ҳамма шогирдларингизга бутун жону жаҳонингизни бахш этган эдингиз, ўзбек шеъриятининг зулфиялари ўнлаб ва балки ундан ҳам кўпроқ бўлишини истардингиз. Аммо наилож – беш қўл баравар эмас экан, шогирдлар ҳам панд берар экан. Уларнинг нобакорлиги, хиёнати, вафосизлиги – устознинг ҳаёти давомида кечирадиган жабру жафолари ичида энг аламлиси, юракда битмас чандиқ қолдирадиган зарба бўлар экан. Эсингиздами, қайси бир йили қайси бир вилоятга бориб, кундузи пахта териб, оқшомлари ҳовли деворига таппи ёпиб юрган бир қизни топиб келган эдингиз. Афсуски, у ишончингизни оқламади, Сизга муносиб шогирд бўлолмади...

Ҳа, истеъдод дегани бу фақат маҳорат эмас, балки тил ва дилнинг бирлиги ҳам экан. Шеърий маҳорат сиздагига ўхшаб юксак ахлоқий-маънавий принципларга таянгандагина ижод бутун халқ ардоқлайдиган, кўп замонлар мобайнида унутилмайдиган қадриятга айланар экан.

Бугун тонгда руҳи покингиз билан яна бир марта гурунглашдим, Зулфия опа. Ва яна бир карра амин бўлдимки, ўзбек адабиёти XX асрда ҳар қанча зиддиятли, машаққатли ва мураккаб йўлни босиб ўтган бўлмасин, унда бир қатор том маънодаги ижодкорлар етишиб чиқди. Бугунги истиқлол кунларида уларнинг ижодлари янги қирралари билан намоён бўлмоқда. Шу порлоқ юлдузлар ичида сиз ҳам олдинги қаторлардасиз, Зулфия опа!

Сизни жуда соғиндим!

---

Ошиқ ЭРКИН

# ҲУСНИНГНИ ЖИЛОСИГА ЗИЁЛАР ҲАВАС ҚИЛСИН



* * *

Бўлмай ҳаётда оромингг, рўёбга чиқмаса коминг,
Қолмаса яхши бир номинг, келдинг нима,
кетдинг нима.

Чўлғанмас эрсанг зиёга, ёр бўлмасанг қоши ёга
Ўрнинг бўлмаса, дунёга келдинг нима,
кетдинг нима.

Шан давраларда юрмасанг, ўйнамасанг,
ҳам кулмасанг,
Кеттунча даврон сурмасанг, келдинг нима,
кетдинг нима.

Бўлмаса дўсту улфатинг, ёлғизлик эрса кулфатинг,
Фарёд бўлса ёзғий хатинг, келдинг нима,
кетдинг нима.

Гар экмасанг бир туп ниҳол, этмасанг элингни
хушҳол,
Одам эрсанг амри-маҳол, келдинг нима,
кетдинг нима.

Қолдирмасанг агар зурёд, қилмасанг бир бино
бунёд,
Ким ҳам айлагай сени ёд, келдинг нима,
кетдинг нима.

Ёнмасанг она юртим деб ва ё бермасанг унга зеб,
Юраберсанг тайёрни еб, келдинг нима,
кетдинг нима.

Кетсанг кўнгилда қолмасанг, ҳар юрак, дилда
қолмасанг,
Яхши бир дуо олмасанг, келдинг нима,
кетдинг нима.

Дўст орттир борида ҳушинг, дўст-ла ривож
топар ишинг,
Бўлмаса яқин бир кишинг, келдинг нима,
кетдинг нима.

Эл ишига жўр бўлмасанг, қалби ёниқ,
кўр бўлмасанг,
Ошиқ Эркин, зўр бўлмасанг, келдинг нима,
кетдинг нима.

* * *

Бўлсангиз агар меҳмон Хоразм томонларда,
Яйрар ҳар қадамда жон Хоразм томонларда.

Қуёшдай кулиб боққан шонли истиқлол боис
Ҳаёт беҳад фаровон Хоразм томонларда.

Баҳраманд қилдилар деб бизларни ҳурриятдан
Юртбошим тилда достон Хоразм томонларда.

Булбулосо наволар жаранглар ҳар юракда,
Булбулдек ҳама шодон Хоразм томонларда.

Жаннат деса ким уни – жаннатий бўлар бешак,
Мудом феруза осмон Хоразм томонларда.

Ардоқлаб муҳаббатни, чин дилдан севишганлар
Бир-бирига меҳрибон Хоразм томонларда.

Икки азим қалъа бор бир Хиванинг ўзинда,
Машҳур «Ичон», ҳам «Дешон» Хоразм томонларда.

Хоразмий, Ал-Беруний, шоҳ Жалолиддин, Кубро –
Кўпдир довруғли инсон Хоразм томонларда.

Хуш оҳангларда куйлаб юрт мадҳин Ошиқ Эркин
Сурмоқда даври-даврон Хоразм томонларда.

* * *

Тегмасин ё раббано, асло қаро кўзларга кўз,
Телба кўнглимни мени қилган яро кўзларга кўз.

Ҳеч қачон кўз тегмасин бир бор қиё боққан билан,
Дилда ишқ тугён уриб боққан қиё кўзларга кўз.

Тўтиё кўзларни асра мубтало кўзлар учун,
Бир умр тегдирма, ё раб, тўтиё кўзларга кўз.

Солса кўзлар дилрабоси кўзга фитна, йўқ ажаб,
Арзигай бахшида қилсанг дилрабо кўзларга кўз.

Яйрагай жону танинг ором олиб солсанг агар,
Оҳу кўзли маҳвашо - ул қоши ё кўзларга кўз.

Пурзиё айлар кўзинг, нурлар тараб жисминг аро
Ташласанг яйраб агар сен пурзиё кўзларга кўз.

Ошиқ Эркин дилдаги бор дардига топгай даво
Телбариб солсам агар ул бедаво кўзларга кўз.

* * *

Қадри ошгай нарсанинг ҳар неки оз-оз топсангиз,
Жон фидо меҳнат қилиб, ишлаб қишу ёз топсангиз.

Ишқ шундай бир чаман, кетгай кўнгиллардан ғубор,
Яйрабон айш этгали чертурга бир соз топсангиз.

Қилсангиз таклиф чаманга, қўлларига гул бериб,
Нозидан минг ўргулинг қилгувчи юз ноз топсангиз.

Дилраболар қавмидан ўлгунча то жон аяманг,
Аямай дурдек сочинг назрига ниёз топсангиз.

Сайрагай кўнгилда булбул бўлса ёр булбулнавоз,
Яйрагай жону жаҳон ширинсухан роз топсангиз.

Аҳли ушшоқлар азал гулгун базм шайдосидир,
Менга ҳам айтинг борурга яхши ҳамроз топсангиз.

Анжуман бир гул эса, гулга ярашган хол бўлур,
Ошиқ Эркиндек агар бир тоза, покбоз топсангиз.

---

# САМИМИЙ ТУЙҒУЛАР ТАРОВАТИ

Китобингизни ўқидим

Оламнинг чин мазмуни одамда намоён бўлади ва унинг нигоҳи туфайли қиммат касб этади. Шунинг учун ҳам туташ асрларда яшаш насиб этган замондошларимизга хос асосий белги – уларнинг бир қадар мураккаблашиб, нозиклашиб, қиёфасизликдан қутулиб бораётгани ва бу билан дунёга ҳам шундай сифат бағишлаётгани десак, адашмаган бўламиз. Шундай вақтда, бадиий сўз ҳам ўзгача табиат касб этади – кўпроқ кўнгилга эътибор қаратадиган, унга чуқуррок кириб боришга интиладиган бўлиб боради. Шоир Турсун Али ана шундай хусусиятга эга бўлган шеъриятнинг вакили.

Ўтган йили «Ёзувчи» нашриётида унинг «Туйғулар ранги» деб номланган китоби нашрдан чиқди.

Турсун Али учун шоирлик касб, тирикчилик воситаси эмас, балки тирикликнинг шарти, кўнгил ҳолатидир. У озурда кўнгилнинг турфа нозикликларини, кайфият-ҳолатларини ўзгаларга-да юқадиган йўсинда сувратлантиришга уринадиган ижодкор.

Манзара чизишга моҳир бу шоирнинг шеърларидаги сувратлантирилган манзаралар табиат ёки кайфиятнинг қотиб қолган кўринишлари эмас, ҳаракатдаги жонли руҳий ҳолатлардир. Ҳаракатда кўринган ҳолат эса ҳар қачон поэзиядир. Чунки унинг замирида қалб бўлади. Турсун Али шеърлари кичик, аммо поэтик манзаралар шу қадар яхлитки, уларга дахл қилиш: парча олиш ёки мисол келтиришнинг имкони йўқ. Бу хил шеърларда энг яхши парча ҳам бутуннинг тасаввурини беролмайди. Шоирнинг тилаги ҳам, эҳтимол, парчалаб бўлмас яхлит кайфиятни суратлантирмоқдир.

**Ҳилол яроқлар**
**Қиндан чиқарилган ханжардай.**
**Мен эса**
**Қўрқаман**
**Унга пешонамни уриб олишдан...**

Ўхшатиш қанчалик нотабиий бўлса, ҳолат шунчалар табиий бўлгани боис гўзал поэтик манзара вужудга келади. Турсун Али донолик қилмайди, ақл ўргатмайди, сабоқ бермайди. Ўзини, кўнглини тафтиш қилади, юрагида кечаётган сезимлар ҳақида ўйлайди ва шуларни ўзига хос тарзда ифодалайди. Шоирни ўраб турган борлиқ унинг сиртида эмас, балки ботинига кўчган. Буни у ичдан туяди. Қуйидаги шеърда танни жунжиктирувчи куз манзараси ҳеч қандай зўриқишларсиз, сокинлик билан безовта киши руҳини ифодалаган:

**Куз кечаси**
**мени уйғотиб юборди**
**деразам ортидаги**
**ёлғиз дарахтнинг**
**синиқ товуши.**

Дарахт ёлғизлигини, унинг синиқлигини шунчалар чуқур англаган қалб одамни янада теран тушунишга қодир. Оғочнинг сингандаги қарсиллаганини эшитишгагина одатланган қулоқларга унинг «синиқ товуши»ни эшиттира олиш катта муҳаббат ва поэтик маҳоратни талаб қилади. Шеърдаги куз манзаралари ташқи дунёники эмас, балки шоир ички оламиники, руҳиятиники.

Шоир ўз вужудини руҳидан айро тарзда сирт дан туриб кузата билади. Шунинг учун ҳам ёнаётган кўнгилни акслантиришнинг уддасидан чиқади. Инсон руҳиятидаги товланишлар камалак рангларидан сержилорокдир. Турсун Али ана шу жилвалар илдизини излаб лаззатланади, топиб роҳатланади, тасвирлаб таскин топади:

**Мен ёняпман**
**заминни куйдирар товоним.**
**Куйдирар қўлларим тутган**
**нарсани.**
**Мен, ёняпман**
**Вужудим ичинда ловиллаб.**

Табиат манзаралари – ўткинчи. Аммо лаҳзалик ўткинчи ҳолатни бадииятга эвириш – чинакам ижодкоргагина берилган имконият. Шундай имкониятки, маҳорат билан амалга оширилган лаҳзалик ҳолатларнинг тасвири шеърхон тасаввурида ўчмас бўлиб қолади:

**Кеча кун бўйи йиғлаган осмон**
**бугун**
**табассум қилар.**
**Кеча отин қамчилаган**
**асов шамол**
**бугун ҳолдан тойган.**
**Олам бугун**
**ҳеч ғам кўрмаган**
**келинчакдай масрур.**
**Менинг юрагимда эса**
**кечаги булутли,**
**шамолли,**
**ёмғирли кун**
**чизиб кетди ўз сувратин.**

Олам, унинг ҳодисалари – ўзгарувчан, ўткинчи. Руҳнинг хотираси – мустаҳкам. Шунинг учун ҳам «... ғам кўрмаган келинчакдай масрур» табиатнинг кечаги ҳолати шоир қалбида кетмас бўлиб муҳрланади.

Гапнинг очиғи, Турсун Али шеърлари – юксак ижтимоий маънолар ташувчи, инсон туйғуларини остин-устун қилиб юборадиган, уни адолату ҳақиқатлар йўлида фаолиятга чорлайдиган қасирғали поэзия намуналари эмас. Уларда фавқулодда бетакрор фикр, кишини танг қолдирадиган туйғулар пўртанаси йўқ. Унинг шеърларида гоҳ ёрқин, гоҳ тунд, аммо ҳамиша бўртиқ кайфият манзараси ва осойишта оҳанггина бор. Улар шеърхонда руҳий ҳолат пайдо қилади. Эстетик реалликка эврилган ҳаётий воқелик, рўй берган табиий ҳодиса киши руҳиятида чуқур из қолдиради. Ва шу билан одам маънавиятини бир қадар поклагандай бўлади. «Момоқалдироқ садосида, чақмоқ шуъласи – югурик қиличда қолди менинг кўнглим», дейди шоир. Момоқалдироқнинг садоси ҳам, чақмоқнинг қиличдай югурик шуъласи ҳам оний, лекин шоир кўнглида уларнинг суврати қолди. Бу ҳолат таъсирида битилган шеърлар туфайли суврат ўзга кўнгилларга ҳам кўчди. Шу вақтгача лоқайд бўлган қайсидир кўнгилдан чақмоқ жой олди.

Шоирнинг «Зангори туйғулар» деган шеъри:

**Ай, қишлоқ,**
**бу кун сочларимга йилларнинг**
**оқ гардлари қўнганда**
**тўфонли шаҳарнинг бир**
**четида**
**майсаларга юмалаб-юмалаб,**
**сени ўйлай-ўйлай,**
**кўзларимдан осмон кетди**
**қорайиб –**

деб тугайди. Кўзларига жойлашган дард осмондан-да бепоён, беғуборликка интилиш орзуси кўкдан-да юксак бўлган шоирнинг туйғуларига яшиллик доимий йўлдош бўлсин!

Й.ҚОЗОҚБОЕВ

---

Рисолқой ҲОТАМОВА

# ҚАЙРИЛИБ БИР БОРА ҚАРАЙСИЗМИ, ЁР?..



* * *

Баҳорнинг эркатой чечаги,
Ошиқнинг беғубор эртаги,
Садпора кўнглимнинг тилаги –
Лолага айланиб қолсайдим.

Қўлини кўзмунчоқ силаган,
Ойдан оқ кулча нон тилаган,
Ёлғону ёмонлик билмаган
Болага айланиб қолсайдим.

Кўрмоққа зордирман бир бора
Қайдадир Мажнундек девона!?
Шу ошиқ сочида бир дона
Толага айланиб қолсайдим.

* * *

Қуёшда бойчечак кўргим келяпти,
Булутда тик оёқ тургим келяпти.
Телба кўнглим телба истак қилади –
Сув устига кулба қургим келяпти.

Ўйнашгим келяпти капалак билан,
Белангим келяпти камалак билан.
Юзига юз босиб ҳол сўргим келар
Болалигим – сочи жамалак билан.

Йўлбарснинг қўйнида ухлагим келар,
Оловни қўлимда ушлагим келар.
Кўнглим арқонини узун ташласам,
Кийикнинг шохини хушлагим келар.

Бу хил орзулардан уйқум келяпти,
Ҳаётда эртакни кўргим келяпти.
Иложсиз орзунинг боридан йўғи:
Сувга нон оқизиб егим келяпти.

* * *

Қуёшнинг кўзидан ёш бўлиб оқсам,
Дарё ўртасида оловни ёқсам,
Тунда ой ўрнига мен сизга боқсам,
Қайрилиб бир бора қарайсизми, ёр.

Олов тилларидан бўса келтирсам,
Кўҳиқоф тоғидан кўза келтирсам,
Унда жон куйдирар бўза келтирсам,
Бир лаб теккизишга ярайсизми, ёр.

Гул томига чиқсам капалак бўлиб,
Тунда лол айласам камалак бўлиб,
Қошингизда турсам кундайин кулиб,
Бошимга гул рўмол ўрайсизми, ёр.

Ногоҳ кўзларимда чақнаса кибор,
Десам: ишқим бекор, сўзларим бекор –
Айрилиқ куйини чалганда дутор
Кетма деб бир бора сўрайсизми, ёр.

Сўнг қушга айлансам нурдан тўқилган,
Қайтар йўлларига тилсим ўқилган.
Мени соғинганда бир-бир тўкилган
Киприк қаторингиз санайсизми, ёр.

* * *

Қўлларимни куйдурганча кулга ёпдим,
Бугун барча сирларимни тунга сотдим,
Остонаси тилло уй деб ўйга ботдим,
Карнай-сурнай садо берса куй бўлади –
Минг дод демай бугун менга тўй бўлади.

Ўтди-кетди тошқин сойдек оқишларим,
Эрка жайрон каби эрка боқишларим,
Сочларимга толпопуклар тақишларим,
Карнай-сурнай садо берса куй бўлади –
Минг дод демай бугун менга тўй бўлади.

Йиғи тошар нотинч кўнглим қирғоғида:
Қолгим келар онамнинг тинч қучоғида,
Қийналар жон айрилиқнинг қийноғида.
Карнай-сурнай садо берса куй бўлади,
Хурсанд бўлай, бугун менга тўй бўлади!

# ҒАЗАЛЛАРИ – УМРИНИНГ ДАВОМИ



Академик Иззат Султон бир мақоласида «Чустий ва унинг ҳамкорлари (Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжон, Ҳабибий, С.Абдулла, Хуршид, Чархий каби шоирлар. – **Таҳририят**) ўтмиш адабиётимиз билан янги адабиётимиз ўртасига кўприк солиб бердилар. Бу эса жасур қадам ва катта тарихий хизматдир», деб эътироф этганди. Дарҳақиқат, мумтоз адабиётимизнинг кўпасрли анъаналарини аруз вазни қувғинга учраган замонларда ҳам дадил давом эттирган чустийлар авлодининг фидокорона ижоди маданий ҳаётимизда ўзига хос ҳодисадир.

Истеъдодли шоир Чустий дилбар ғазаллар ижодкори сифатида эл-юрт орасида танилди. Унинг ўнлаб ғазаллари XX асрнинг ўттизинчи йилларидаёқ ҳофизлар томонидан куйланиб, граммафон пластинкаларига муҳрланиб қолди. Чустийнинг «Ёримга савол», «Минг балони янчади», «Муҳтож бўлмағай», «Бевафоларнинг иши», «Ошно бўлмай туриб», «Онанома», «Индамаслар олами» сингари қўшиқлари ҳозирги кунда ҳам хонандалар ижросида янграмоқда. Демак, шоирнинг умри давом этмоқда.

Чустий йигирмага яқин шеърий китобнинг муаллифидир. У драматургияда ҳам қаламини синаб кўрди, Ҳофиз, Собир Термизий, Мирзо Ғолиб каби мумтоз сўз санъаткорларининг, Али Сардор Жаъфарий, Мирзо Турсунзода сингари ўзига замондош шоирларнинг шеърларини таржима қилди.

Таваллуд куни оила аъзолари, қариндош-уруғлари, ёр-дўстлари ва ижодининг мухлислари томонидан эсланаётган айни шу кунларда шоирнинг икки ғазалини эътиборингизга ҳавола этаётирмиз, азиз газетхон!

**ЧУСТИЙ**

## МЕН ФИДОЛАРДАН

**Менинг давримда йўқ ошиққа озору жафолардан,**
**Менинг бошимда йўқ Мажнунга тушган у балолардан.**

**Вафо гулзорининг бўлса гули Ширин билан Лайло,**
**Менинг севгим шу гулшанни яратган дилраболардан.**

**Агар чин бўлмаса ҳар икки дилда севги даъвоси**
**Саналғай эл аро номи субутсиз бевафолардан.**

**Юмулма кўзларим, сустланма кўнгил баъзи соатлар,**
**Чекинмас яхши юрган бир дақиқа муддаолардан.**

**Дилимнинг дафтарин дилбарга кўрсатмоқда ҳикмат бор,**
**Ғазал ҳуснига хол пайдо бўлур кўзи қаролардан.**

**Садо бермас эмиш найлар, очилмай бағридан йўллар,**
**Эшитдим мен бу сўзни доимо машқи расолардан.**

**Белимни боғладим танбур каби кўнглим садо берди,**
**Қулоқ солсам деди, Чустий, ҳамиша мен фидолардан.**

## ОЛАМДА ЙЎҚ

**Эй Ватан, чексиз гўзаллик сенда бор – оламда йўқ,**
**Бошқа бир сендек латофатли диёр оламда йўқ.**

**Бошладик ер Тоҳири бирлан сулув Зуҳро тўйин,**
**Базмимиз авжида бундай «ёр-ёр» оламда йўқ.**

**Лола сайлига чиқибдур тонгда юлдузларгача,**
**Сендаги осмонўпар кенг лолазор оламда йўқ.**

**Қишда ҳам боғинг чаман, халқинг юзи гул-гул ёнур,**
**Иқлимингдан ўргулай сенсиз баҳор оламда йўқ.**

**Ошиқинг шундай кўпайгандир, кўпаймоқда яна,**
**Омадинг бор, омадинг, бундай барор оламда йўқ.**

**Юлдузинг шаъни учун ойу қуёш икки китоб,**
**Ушбу ўткир кўзларингдек сеҳркор оламда йўқ.**

**Қанча мақтаб, қанча куйлаб, қанча севса шунча кам,**
**Сенда ўсган Чустий, севган ёри бор, оламда йўқ.**

# ЯНА МАШРАБ ҲАҚИДА

1991 йил 13 апрелга республика машрабшунослари ФА ижтимоий фанлар бўлимига таклиф этилди. Лекин академияда қандайдир тадбир бўлиб, йиғилиш 15 апрелга қолдирилди. 13 апрелда самарқандлик машрабшунос Ж. Юсупов Тошкентга келди. Мен у билан анча суҳбатлашдим. У Машраб Наманганда туғилгани тўғри, лекин таваллуди 1640 йил эмас, 1653 йил деган фикрни айтди ва шу ҳақда бир варақ қоғозга ёзиб менга ташлаб кетди. Хатда Машрабнинг Наманганда туғилганлиги илмий далиллар асосида қайд этилар экан, шоир туғилган йили 1653 йил деб кўрсатилган. Хатда яна шоир 1664 – 68 йиллари Мулла Бозорда ўқиган, 1669 – 70 йиллари Самарқандга саёҳат қилган, 1671 – 90 йиллари Қашқарда сафарда бўлган. Кейин Мовароуннаҳр сафари, сўнгра 20 йиллик чет эл сафари деб кўрсатилган.

1990 йил 15 апрел куни ЎзФА ижтимоий фанлар бўлимидаги йиғилишда машрабшунослар Ҳ.Ғулом, А.Қаюмов, А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, М, Зокиров, И. Ғафуров, Ҳ.Муҳаммадхўжаев, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси бўлим бошлиғи М.Саъдий қатнашди. Мен ҳам иштирок этганман. Йиғилишда Машраб ҳаётига оид баъзи чалкашликлар ҳақида фикрлар айтилиб, шоир 1640 йили Наманганда таваллуд топган ва 1711 йили Балхда дорга осилган; унинг таваллудига 350 йил тўлганлиги муносабати билан юбилей тантаналари, машрабхонлик кунларини юксак савияда ўтказиш маъқул деб топилсин, деган қарор қабул қилинди.

Мен йиғилишда Ж. Юсупов хатини ўқиб бердим. Унинг Машраб 1653 йили туғилган деган фикрини ҳеч ким маъқулламади ва илмий асоссиз, деб топилди. Йиғилиш ҳақидаги суҳбат " Ўзбекистон адабиёти ва санъати"нинг 1991 йили 17 май сонида М. Саъдий томонидан эълон қилинди.

Шундан кейин юбилейолди республика матбуотида чоп этилган ҳамма мақолаларда Машраб 1640 йили Наманганда туғилган деб ёзилди. 1992 йил Алишер Навоий номидаги катта театрда шоир таваллудининг 350 йиллиги шу маълумотлар асосида тантанали нишонланди. Булардан Ж. Юсупов хабардор бўлиши керак.

Кейинчалик Машрабнинг йирик фалсафий-ахлоқий асарини энг ишончли қўлёзмага солиштириб, нашрга тайёрладим, бу кенг сўзбоши ва изоҳлари билан 1994 йили "Фан" нашриётида босилиб чиқди. Шоирнинг "Кимё" китоби ("Наманган" нашриёти,1999), "Алифни дилга жо қилмоқни бисмиллоҳдин ўргандим" номли нашр этилмаган шеърлар тўплами ("Наманган" нашриёти, 1999), "Машраб ҳикматлари" рисоласини ("Наманган" нашриёти, 2000) чоп этдик. 1995 йили Э. Р.Мусулмонқулов "Раҳимбобо Машраб ва унинг бадиий адабиётдаги талқини" мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлади. М.Ҳошимхонов ҳам Машраб дунёқараши ҳақида номзодлик диссертациясини ёқлади ва унинг "Машраб ва Ўрта Осиё ижтимоий фикр тараққиёти" (Тошкент, 1994 йил) китоби нашр этилди. Булардан ташқари, анъанавий машрабхонлик муносабати билан шоир ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида кўплаб илмий-оммабоп мақолалар журнал, тўплам ва газеталарда босилиб турибди. Буларнинг ҳаммасида Машраб 1640 йили туғилганлиги қайд этилган.

Ниҳоят, "Ёзувчи" газетасининг 1998 йил 15 ва 28 август сонларида Жалолиддин Юсуфий (Юсупов)нинг "Уни Девонаи Машраб дерлар"... номли катта мақоласи эълон этилди. Муаллиф кейинги вақтда ўзи мутолаа қилган манбалар асосида Машраб ҳаёти ва ижоди ҳақида анчагина янги фикрларни айтиб ўтган, шоирнинг шеъларидан иқтибослар келтириб, уларни таҳлил қилган. "Меҳрибоним, қайдасан" тўпламида айтилган баъзи фикрлар қисман такрорлаб ҳам ўтилган. Бу мақолани кейинги вақтда машрабшуносликка қўшилган янги ижод маҳсули сифатида тан олиш керак.

*Тадқиқот, ахборот*

Аммо мақолада йўл қўйилган баъзи чалкашликлар ҳақида мулоҳаза юритишни лозим топдик. Муаллиф шоирнинг ўзи нашр этган "Меҳрибоним қайдасан" (Тошкент,1990) девонига ёзилган сўнгсўзда Машраб таваллудини 1653 йил деб кўрсатган ва бу билан шу пайтгача бўлган ҳар хил қарашларга чек қўйилганига ишора қилар экан, ёзади: "Аммо 1994 йили "Фан" нашриётида чоп этилган Машрабнинг "Мабдаи нур" номли китобига ёзилган муқаддимада Бобораҳим Машраб ҳижрий 1050 (милодий 1640) йили Наманган шаҳрида камбағал бўзчи Бобораҳим оиласида дунёга келди деб дарж этилган. Кўпгина тадқиқотчилар шоирнинг бир мухаммасида айтилган:

***Ёши етмиш бирга кирган***
***бандаи радди фалак,***
***Мору каждумлар билан***
***тўлган дилида райбу шакк*** –

байтидаги «етмиш бир ёш»га ёпишиб олдилар ва уни ҳар гал 1640 йилда туғилган деб ёзишади. Бу тахминдан бошқа нарса эмас».

Бу фикрни исботлаш учун Ж. Юсуфий «Девонаи Машраб» қўлёзмаларида «Ёши тўқсон бирга кирган», "Ёши олтмиш бирга кирган" каби битикларнинг мавжудлигини қайд этган. Буни биз "Қиссаи Машраб"нинг бирон-бир нусхасида учратмадик. М.Зокиров томонидан "Шарқ юлдузи"да парчаси чоп этилган "Тазкираи қаландарон" асарида "Ҳазрати Машраб мавтлари айёмида умрларидан эллик саккиз сана кечиб эрди" деган жумлани Ж.Юсуфий далил қилиб кўрсатган. ЎзФА да бўлиб ўтган йиғилишда ўша "Тазкираи қаландарон"ни бирон тамизга кўрсатиш ҳақида М.Зокировдан сўраганимизда: "Мен 25 йил аввал бировдан олиб ўқиганман, у киши сув тошқинида кўкрагидан тушириб йўқотган", – деди. "Шарқ юлдузи" манбани кўрмай, ҳеч қаерда йўқ нарсани эълон қилганини йиғилишда таъкидлаган эдик. Ҳамма китоб ва мақолаларда Машраб таваллуди 1640 йил кўрсатиб келингани, республикамизнинг таниқли машрабшунослари – академиклари, фан докторлари ва фан номзодлари иштирокида ўтказилган йиғилиш қарори "тахминдан бошқа нарса эмас", фақат Ж.Юсуфий фикри ҳақиқатми? Академик Воҳид Абдуллаевнинг "Ўзбек адабиёти тарихи", А.Абдуғафуровнинг "Ўзбек адабиёти тарихи" академик нашрига ёзган йирик илмий мақоласи ва бошқа бир қанча асарлар, академик М.Хайруллаев нашрга тайёрлаган "Буюк сиймолар, алломалар" тўпламининг учинчи китоби (Тошкент, 1997) ва бошқа юқорида қайд этганимиз олимларнинг асарларида 1640 (1050) йил кўрсатилган, буларни рад этиш, ўжарлик билан ўз фикрида туриб олиш илмий одобдан эмас.

"Қиссаи Машраб" ва бошқа ҳамма манбаларда Машраб Мулла Бозор Охундда етти йил – 15 ёшгача таълим олган. Уни домланинг ўзи 1665-йиллари Қашқарга – Офоқхўжа даргоҳига юборгани, етти йил пир ҳузурида таълим олгани, кейин Наманганга келгани қайд этилган. Ана шундан кейин шоирнинг саргузаштли саёҳатлари бошланган. Бу вақтда у 21-22 ёшларда бўлган. Ж. Юсуфий мақоласида "1668 йили илм истаб Самарқандга келади", дейилган. Агар у 1653 йили туғилган бўлса, 15 ёшида Самарқандга борган бўлиб чиқадики, бу ҳеч қандай илмий асосга эга бўлмаган хулоса. Машраб ижодини илк илмий ўрганган рус шарқшуноси Н.С. Ликошин (1860 – 1922) Машраб ҳақидаги қиссани рус тилига таржима қилиб, 1915 йили Самарқандда сўзбоши ва изоҳлари билан нашр эттирди. Шоир юбилейи муносабати билан бу асар 1992 йили Ғафур Ғулом номидаги нашриётда қайта босилди. Ана шу китобда Мулла Бозор Охунд вафоти тарихи "Булбул бирафт аз боғи илм" ("Булбул илм боғидан кетди") мисраси келтирилган. Бундан абжад ҳисобида ҳижрий 1143 – милодий 1668 йил – Мулла Бозор Охунд вафоти келиб чиқади. Ж. Юсуфий менга қолдирган хатида «туркман олими Қарриев ёзган» дейилган, мақолада эса «Машраб ёзган», дейилган. Марсиянинг тўла матнини топмагунча, унинг муаллифи ҳақида сўз юритиш асосли бўлмайди. Мақоладаги Машраб 1668 – 1672 йиллари ҳозирги Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳудудларидаги азиз-авлиёлар қабрларини зиёрат қилди, деган фикрлар асоссиз. Бу вақтда шоир Офоқхўжа даргоҳида бўлган. Мақолада Машраб 1691 йили Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарлари қатори Самарқандда ҳам бўлган дейилади. Бу сана ҳақиқатга анча яқин. Машраб шу йиллар атрофида Самарқандга бир марта борган. Биродаримиз Жалолиддиндан нашрга тайёрланган тўпламларида Машраб туғилган йилни 1640 (1050) йил деб тўғрилашни илтимос қиламиз, илмда фақат ўз фикрини тўғри дейиш олим обрўсига путур етказади.

Мақолада "Моу ман" сўзига нотўғри изоҳ берилган. Бу форсча "Мо"(биз) ва "ман"(мен) сўзларидан иборат бўлиб, ўртада "вов"(ва) боғловчиси келган, "Биз ва мен" деб мақтаниш, манманлик, кибр маъноларини билдиради. "Моъу маний" иборасидаги "моъун" сўзи арабча "мо"дан кейин ҳамза қўйилиб, "сув" маъносига эга, "маний" эркаклар уруғи, "моу маний" – "уруғ суви". Мақоладаги келтирилган бир банд мухаммасдаги "Кечдим моу манликдан, манда иллат қолмади" дегани, "Мужтаҳид" сўзи "Очувчи, мушкул диний масалаларни Қуръон, ҳадислар ҳукми асосида ҳал қилувчи, ислом шариъатининг қонунларини **яратувчи** олим", деб изоҳланган. Бу сўз "жаҳд қилувчи, тиришувчи, саъй-ғайрат кўрсатувчи" маъноларига эга. Диний қонун-қоидалар асосида янги мазҳаб тузувчи ҳам "мужтаҳид" дейилади, лекин **"яратувчи"** эмас.

Жалолиддин Юсуфий мақоласида Машрабнинг анча янги шеърий парчалари диний тасаввуфий нуқтаи назардан янгича таҳлил қилинган. Бу, албатта, мустақиллигимиз шарофати ва таҳсинга сазовордир. Жалолиддин шоирнинг 3769 мисрадан иборат янги девонини тайёрлаб қўйгани айтилган, у кишига девонни чоп этишида муваффақият тилаймиз. Биз нашр этган Машрабнинг ҳозиргача босилмаган ғазал, мухаммас, мусаддасларини ўз ичига олган "Алифни дилга жо қилмоқни бисмиллодин ўргандим" тўпламини, "Кимё" асари ва "Машраб ҳикматлари" рисоласини ҳам Жалолиддин кўздан кечириб қўйсалар фойдадан холи бўлмас эди.

**Исматилла АБДУЛЛАЕВ,**
**филология фанлари доктори, профессор**

## МАДАНИЙ ҲАЁТ



Бадиий академия рангтасвир усталарининг шахсий кўргазмаси Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланди. Кўргазмага қўйилган Т.Ўроқов, С.Аҳмедов, А.Амелькин каби ижодкорларнинг асарларида Термиз шаҳрининг обидалари, воҳанинг буюк сиймолари, табиат манзаралари акс эттирилган.

* * *

**Тошкент вилоят маданият ишлари бошқармаси ва корейс фолклор жамоалари ассоциацияси Гулистонда корейс ёшларининг III фес тивалини ўтказди. Фестивалда «Моранбон», «Хянбор», «Махтарал», «Ийк-ота», «Чендикот», «Чин-Рю» корейс халқ жамоалари ўз миллий анъаналарини намойиш этдилар. Тадбирда Корея Халқ Демократик Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси Ли Чер Гван қатнашди.**

* * *

**Самарқанд вилоят қўғирчоқ театри Абдурасул Бобоалиевнинг «Боқивойнинг саргузаштлари» номли асарини саҳналаштирди. Шунингдек, япон халқ эртаклари асосидаги «Слитага-Санто» асари ҳам томошабинларга тақдим этилди.**

*Доимий ҳамроҳ*





Нодирбек Сайфуллаевнинг шу номдаги рисоласида маънавият ва маърифат соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижалари ҳақида сўз боради. Истиқболни белгилаш, услубият ва ахборот Республика маркази томонидан чоп этилган рисолада маданий-маърифий соҳадаги ютуқлар, театр ва қўшиқчилик санъатидаги ўзгаришлар асосида Ўзбекистон маданиятидаги туб янгиланишлар таҳлил этилган.

"Маданий-маърифий муассасалар фаолиятини такомиллаштириш масалалари", "Истиқлол ва ўзбек миллий театр санъатининг ривожланиши", "Ўзбекистонда мусиқий-қўшиқчилик санъатининг равнақи" каби бўлимлардан иборат. Қўлланма маданият ва санъат институтлари талабалари ҳамда ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчилари, соҳа мутахассисларига мўлжалланган.

**М.КАРИМОВА**

## Дунё – кенг...

# ОТЕЛЛОНИ ҚЎЗҒАТГАН МАЛҲАМ

**Буюк Шекспир фақат гениал драматург эмас, шу билан бирга ажойиб ботаник ҳам бўлган экан. Қизиғи шундаки, унинг ботаниклиги ҳам ижодида акс этган.**

Агар Шекспирнинг «Ёз оқшомидаги туш» номли эртак-комедиясини ўқисангиз, бунга ўзингиз ҳам ишонасиз. Асарда ҳикоя қилинишича, эльфлар маликаси Титания юракни туғёнга келтириб, эҳтиросларни кучайтирадиган муҳаббат иксиридан бир томчи истеъмол этибоқ, олдидан чиққан биринчи йигит – тўқувчи Ник Мотокни севиб қолади.

Бундай сеҳрли малҳамни Пэк исмли кичкина эльф кашф этади. Буни у шоҳ Обероннинг топшириғи билан «муҳаббат айёми» номли гулдан олади. Пиесада «муҳаббат айёми» деб номланган гулнинг аслини орадан юз йил ўтгач инглиз кимёгарлари топишга муваффақ бўлишди. Бу ҳаммага маълум, оврупoликлар «анютиннинг кўзлари» деб аташадиган гул экан. Бу гулни узиб, сиқиб, сувидан истеъмол қилинганда юрак муҳаббат ишқида ёнармиш.

Шекспирга ишониб кам бўлмадик, дейди «Куэст Интернэшнл» компаниясининг органик кимё бўлими бошлиғи Чарльз Селл, буюк драматург фақат инсон қалбининг соҳир туйғулари билимдонигина эмас, гулларга хос хусусиятларни ҳам теран тушунган экан. Унинг замонида ўша гулдан юрак-қонтомир касалликларини даволашда фойдаланилган.

Ҳозир олимлар Шекспир «маслаҳати»га кўра, янги «муҳаббат иксири» яратиш устида иш олиб боришмоқда. Ажабмас, қадимда бу малҳамдан Отелло меъёридан ортиқроқ истеъмол этган бўлса. Ҳарқалай, эзгулик, меҳр-оқибат туйғулари муҳаббатдан туғилади. Бу ёруғ туйғуни қўзғайдиган, кучайтирадиган малҳам эса барча замонларда зарур.

# ЯНА БИР ЯПОН МЎЪЖИЗАСИ

**Япон олимларининг мўъжизавий кашфиётлари ҳақида кўп эшитгансиз. Айниқса, электроника соҳасида улар яратаётган янгиликлар жаҳон афгор оммасини қойил қолдираётир. Замонавий ўйинчоғу қўғирчоқларгача кишини ҳайратга соладиган ғаройиботлар уларга хос амаллардир.**

Хусусан, Айбо номли робот-кучукчани ишлаб чиқиб, кўп қизиқишлар уйғотган Otron Corp қўғирчоқ ишлаб чиқарувчи бирлашмада яқинда НеКоРо номли робот-мушук яратилди.

«Мушук» буйруққа жавобан ҳаракат қилмайди, ҳатто юрмайди ҳам. Бироқ уни силабсийпаласангиз миёвлайди, ўзига эътибор қилинганда «ҳис-ҳаяжони»ни англатади. Унинг «луғат»ида мушукларга хос қирқ саккиз хил товуш бор. Сизнинг меҳрингиз, эътиборингизга қараб, «лозим бўлган» товушни чиқаради. Бу ҳали муҳими эмас. Ғаройиб томони шундаки, робот-мушукнинг ўзига яраша феъл-атвори бор: агар ҳар кун вақт топиб, уни эркалаб турсангиз, у сизни ёқтириб қолади ва бу «туйғу»сини англатиб туради. Аксинча бўлганда эса, у сизни ёқтирмаётганини ҳам дарҳол билдиради.

НеКоРо фақат япон бозорларида сотилади. Бу ўйинчоқдан 5000 дона ишлаб чиқариш мўлжалланган. Бир донаси беш юз ўттиз АҚШ доллари билан баҳоланган.

# ОИТС (СПИД)НИНГ ДАВОСИ

**Шу йил апрел ойидан эътиборан Жанубий Кореяда ОИТСга қарши эмлашда энг яхши даво деб ҳисобланаётган янги дорини синаб кўриш мўлжалланган. Бу дори ҳайвонларда «аср вабоси»га қарши ишлатилганда яхши натижалар берган.**

Янги дорини «Джи Экс-12» деб номлашган, унинг яхши натижалар беришига умид қилинмоқда. Доринииг асосий хусусияти шундаки, у билан эмланганда киши организмининг ҳимояланиш қобилияти кучаяди.

Жанубий кореялик олимларнинг янги ихтиролари ОИТСга қарши хавфсиз ва самарали восита сифатида жаҳон медиклари орасида аллақачон эътибор топиб улгурди.

# УЙЛАНИНГ – УЗОҚ ЯШАЙСИЗ

**Англиялик олимлар яна бир бор уйланган эркакларнинг бўйдоқлардан кўра кўпроқ яшашини исботлашди. Бу ҳақда "Британия медицина журнали" хабар қилади.**

Тадқиқотларда аниқланишича, оилали эркаклар турмуши ишонч ва хавфсизлик каби муҳим маънавий-руҳий омилларга уйғун бўларкан. Доктор Жанет Эмпсон эркак ҳаётида дардкаш маслаҳатчи содиқ аёл унинг жисмоний ва ақлий соғломлиги учун энг зарур омилдир, деб ҳисоблайди. Эътиборли, меҳрибон умр йўлдоши эркакнинг руҳий танг вазиятлардан чиқиб кетишини, юрак хасталиги ва бошқа касалликларга камроқ дучор бўлишини таъминларкан.

Бундай амалий хулосаларга келишда Шеффелд университети олимлари 1915 ва 1929 йилларда туғилган олти мингга яқин эркак кишига доир барча маълумотлардан фойдаланишган.


## «MADANIYTRANS»

очиқ турдаги акциядорлик жамияти

**АКЦИЯ ЭМИССИЯСИ РЕЖАСИ**

**2002 йил 25 февралдан № Q 0378-2 билан рўйхатга олинган**

**1. Эмитент ҳақида асосий маълумотлар.**

**1.1. Эмитентнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи:** Очиқ турдаги Акциядорлик Жамияти. «MADANIYTRANS» (ОТАЖ «MADANIYTRANS).

**1.2. Соҳа**: Автомобиль транспорти.

**1.3. Бош ташкилот**: Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари Вазирлиги.

**1.4. Тўлиқ почта адреси:** Тошкент., Жануби-Ғарбий саноат ҳудуди, Лойиҳа кўчаси 1.

**1.5. Хизмат кўрсатадиган банк номи ва жойи:** СҚБнинг Акмал Икромов бўлими, Тошкент шаҳри. Банкдаги ҳисоб рақами ва коди 20210000000118968001 МФО 00397

**2. Яқинда чиқариладиган қимматли қоғозлар ҳақида маълумот.**

2.1. Қимматли қоғозлар ҳақида умумий маълумотлар:

**а) чиқаришнинг умумий миқдори (номинал қиймат бўйича)(сўмда)** 1534000

**б) чиқариладиган қимматли қоғозлар (уларнинг сони, хили):** акциялар; **олувчининг номи кўрсатилганлари оддийлари сони** 1534 дона.

**в) чиқариладиган қимматли қоғозларнинг умумий сони,** 1534 дона.

**г) бир дона қимматли қоғоз номинали,** 1000 сўм.

**д) ВМнинг 2001 йил 19 мартдаги 119-қарори ва ДМҚнинг 2001 йил 28 августдаги №1-361к буйруғига асосан устав жамғармасини ошириш усули:**

**давлат активлари** 1534000 сўм, 1534 та акция (дивидендлар)

2.2. Қимматли қоғозлар чиқаришнинг тартиби ҳақида маълумотлар:

**а) чиқариш ҳақида қарор қабул қилинган сана (умумий йиғилиш санаси)** 9 август 2001 йил.

**б) чиқариш ҳақида қарор қабул қилган Акциядорлик Жамияти бошқарув органи:** акциядорларнинг умумий йиғилиши.

**в) қимматли қоғозларни тарқатиш жараёнининг бошланиши:** Тошкент шаҳри бўйича Марказ бўлимида қимматли қоғозлар рўйхатга олингандан кейин.

**г) қимматли қоғозларни тарқатиш жараёнининг якунланиши:** Тошкент шаҳар бўйича Марказ бўлимида қимматли қоғозлар рўйхатга олингандан бошлаб бир йилдан кечикмаган муддатда.

**д) қимматли қоғозларнинг имкониятли харидорларига чеклашлар (жамият уставига мувофик),** дона, фоиз, сўм.

| | Жами: фоиз, дона, сўм | Давлат ҳиссаси: фоиз, дона, сўм | Меҳнат жамоаси ҳиссаси: фоиз, дона, сўм | Чет эл инвесторлари ҳиссаси: фоиз, дона. сўм | Эркин савдо ҳиссаси: фоиз, дона, сўм |
|---|---|---|---|---|---|
| Қўшимча чиқариш | 100<br>1534<br>1534000 | 25<br>383<br>383000 | | 25<br>383<br>383000 | 50<br>768<br>768000 |
| Умумий устав жамғармаси | 100<br>10110<br>10110000 | 25<br>2527<br>2527000 | 10<br>1011<br>1011000 | 25<br>2527<br>2527000 | 40<br>4045<br>4045000 |
| Шулардан жойлаштирилгани | 74,48<br>7529<br>7529000 | 25<br>2527<br>2527000 | 10<br>1011<br>1011000 | 13,85<br>1400<br>1400000 | 25,63<br>2591<br>2591000 |
| Жойлаштириладиганлари | 25,52<br>2581<br>2581000 | | | 11,15<br>1127<br>1127000 | 14,37<br>1454<br>1454000 |



МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

*НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ*

**O'zbekiston adabiyoti va san'ati**

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 133-49-93; 136-56-56

*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93*
*Санъат бўлими: 136-56-48 Наср ва назм бўлими: 136-56-50*

**Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи**

**Мурод АБДУЛЛАЕВ**

*Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Навбатчи муҳаррир — Беҳзод МАМАДИЕВ
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00024-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г. — 3109. Ҳажми — 3 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Тиражи—6365.